

Яна бир ҳадис илмий тажрибада ўз исботини топди



14:00 / 22.01.2019 6161

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар эканларини у зотнинг баъзи ҳадиси шарифларининг мўъжизаларидан ҳам билиб олсак бўлади. Қуйида ўрганиладиган ҳадиси шариф ана шулар жумласидандир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қай бир қавмда фоҳишабозлик пайдо бўлиб, уни ошкора қиладиган бўлсалар, албатта уларнинг ичида ўтган ота-боболарида бўлмаган ўлат ва (бошқа) касалликлар пайдо бўлади».

Ибн Можа, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Табароний, Байҳақий ва Баззорлар ривоят қилишган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мазкур ҳадиси шарифларининг илмий мўъжизаси у нутқ қилинганидан бир минг тўрт юз йилдан зиёд вақт ўтгач аниқланди. Буни аниқлашда канадалик машҳур олим Ван Броусет фаоллик кўрсатди. Бу олимни таниб олиш учун ўзимизнинг эски танишимиз профессор Кейс Мур жанобларининг у киши ҳақида айтган қуйидаги гапларига эътибор берайлик:

«Ҳар доим ҳақиқатни изловчи ҳур фикрли олимлар бўлади. Канадалик машҳур олим Ван Броусет ана шундай олимлардан биридир. У машҳур муаллифлардан бўлиб, аёллар касалликлари бўйича бир қанча китобларни

нашр қилган. Мазкур китобларда Қуръони карим ва Суннатда келган баъзи оят ва ҳадислардаги ҳақиқатларни ҳам ёзган. Бир қанча илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этган...»

Профессор Ван Броусет биз ўрганаётган муҳаддисларимиз Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган фоҳишабозликнинг зарарлари тўғрисидаги ҳадисни ҳам илмий тажрибалар асосида ўрганган. У киши бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«Ҳозирда кенг миқёсда эътироф қилинган илмий ҳақиқатлардан бири шуки, аёл киши бачадонининг олд қисмида рўй берадиган зарарли ўзгаришлар унинг умрига, жинсий алоқалари сонига ва неча марта бола туққанига боғлиқдир. Юқумли касалликлар илми бўйича ўтказилган тажрибалардан аралаш жинсий алоқалар саратон касаллигига сабаб бўлиши аён бўлди.

Албатта, ношаръий ва нотўғри жинсий алоқаларнинг хатарлари тўғрисида бир минг тўрт юз йил олдин айтилган ушбу ҳадис ОИТС касаллигига ишорадир. Ўйлайманки, мен бу фикримда ҳақман.

«Қай бир қавмда фоҳишабозлик пайдо бўлиб, уни ошкора қиладиган бўлсалар, албатта уларнинг ичида ўтган ота-боболарида бўлмаган ўлат ва (бошқа) касалликлар пайдо бўлади».

Фоҳишабозлик, хиёнат, бачабозлик ва шунга ўхшаш бошқа жинсий алоқалар туфайли пайдо бўлган ОИТС ва бошқа янги касалликларга ҳозирги замонда даво топа олмай турибмиз...

Менга шарҳ қилиб берилганига қараганда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда ҳам оддий киши бўлган, ўқимаган, ёзмаган. Ҳозир биз у киши ўқиш ва ёзишни ўрганмаган ҳолда бундан бир минг тўрт юз йил илгари кишини дашҳатга соладиган тарздаги илмга асосланган чуқур ва нозик гапларни айтганини ўрганмоқдамиз. Шахсан мен ушбу нарса тасодиф бўлишига ишона олмайман. Бу ерда жуда кўп дақиқ нарсалар бор. Мен ҳам доктор Кейсга ўхшаб, бу илоҳий илҳом ёки бошқача қилиб айтганда, ваҳий у кишини ушбу баёотларга бошлаганини тасдиқлашимда ҳеч қандай қийинчилик топмайман».

“Қуръон ва Суннатдаги илмий мўъжизалар” китобидан